ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ТАЖРИБАЛАРИ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Восиқов А.Р.
Тошкент Кимё
халқаро университети

Восиқов А.Р.
Тошкент Кимё
халқаро университети

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатларини ривожлантириш масалалари ҳамда халқаро амалиёт тажрибаларини миллий шароитга татбиқ этиш йўналишлари таҳлил этилган. ДХШнинг ҳуқуқий асослари, рискларни тўғри тақсимлаш, инфратузилмавий ва ижтимоий лойиҳаларда самарадорликка эришиш омиллари ёритилган. Буюк Британия, Франция, Туркия, Қозоғистон ва Ҳиндистон тажрибалари мисолида жамият учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг устун жиҳатлари кўрсатиб берилган. Шу асосда Ўзбекистонда ДХШ тизимини такомиллаштириш, инвестиция муҳитини барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга доир амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар*: давлат-хусусий шериклик, инфратузилма, инвестиция, рискларни тақсимлаш, халқаро тажриба, самарадорлик, иқтисодий ўсиш.*

INTERNATIONAL PRACTICAL EXPERIENCE OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS AND THEIR POTENTIAL USE IN NATIONAL PRACTICE

Vasikov A.R.
Kimyo international
university in Tashkent

Annotation: *The article analyzes the development of public-private partnership (PPP) relations in Uzbekistan and explores the possibilities of adapting international best practices to the national context. It highlights the legal foundations of PPP, the importance of risk allocation, and the factors ensuring efficiency in infrastructure and social projects. The experience of the United Kingdom, France, Turkey, Kazakhstan, and India is examined to demonstrate the advantages of long-term cooperation between the state and the private sector in implementing socially significant projects. Based on these findings, the article provides practical recommendations for improving the PPP system in Uzbekistan, ensuring a stable investment environment, and promoting sustainable economic growth.*

Key words: *public-private partnership, infrastructure, investment, risk allocation, international experience, efficiency, economic growth.*

Кириш

Ҳозирги даврда иқтисодиётни тубдан янгилаш жараёнларида давлат-хусусий шерикликнинг самарали усулларини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш

масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, стратегик аҳамиятга эга инфратузилма ҳамда ижтимоий соҳаларда давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Айниқса, молиявий ресурсларни жалб қилиш, замонавий технологияларни татбиқ этиш ва лойиҳаларнинг барқарор бошқарувини таъминлашда халқаро тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳам ДХШ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уларни миллий амалиётга кенг жорий этиш учун 2019 йилда қабул қилинган “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун янги босқични бошлаб берди. Мазкур қонун ДХШнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, давлат ва хусусий секторнинг инфратузилмавий ҳамкорлигини кучайтириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда лойиҳаларни самарали бошқариш учун ҳуқуқий ва институционал имкониятлар яратиб берди. Шу тариқа, ДХШнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда муҳим замин яратди [1].

Миллий амалиётда амалга оширилаётган инфратузилмавий ва ижтимоий лойиҳалар самарадорлигини таъминлашда халқаро тажрибаларни ўрганилиши ва миллий шароитда қўлланилиши долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия каби давлатларда ДХШ механизмлари орқали йирик лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқаришнинг самарали моделлари шаклланган. Ушбу тажрибалар Ўзбекистонда ҳам лойиҳаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва давлат бюджетининг юкини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис халқаро амалиётда тўпланган илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш, уларни миллий шароитга мослаштириш, ДХШ механизмларини янада такомиллаштириш, инвестицион муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда лойиҳалар самарадорлигини ошириш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шархи

Давлат-хусусий шериклик муносабатларига доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда.

ДХШда шартнома ҳаёт циклининг ҳар бир босқичи (лойиҳа тайёрлов, молиялаштириш, қурилиш, эксплуатация ва якунлов) ўзининг алоҳида таваккалчиликларини қамраб олади. Шунинг учун рискларни тўғри тақсимланиши шартнома самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланади [2]. Муаллифнинг фикрича, давлат учун энг катта риск - яширин бюджет таваккалчиликлари, хусусий сектор учун эса - узоқ муддатли талаб ва молиявий барқарорлик рискларидир. Шунинг учун, тўғри тузилган шартнома моделлари орқали давлат ва хусусий шериклар манфаатларини уйғунлаштириш ДХШнинг барқарор ва самарали амалга ошиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Engel, Fischer ва Galetovic фикрига кўра, ДХШнинг иқтисодий самарадорлиги унинг одатий давлат қурилишига нисбатан устун ёки камчилик томонлари билан белгиланади. Муаллифлар таъкидлаганидек, ДХШ одатий давлат қурилишига нисбатан фақат муайян ҳолатларда яхшироқ натижа беради, яъни ресурслардан самарали фойдаланиш ва лойиҳаларнинг тезроқ амалга оширилиши таъминланганда. Муаллифларнинг хулосасига кўра, тўғри молиявий модел танланиши ва рискларнинг адолатли тақсимланиши ДХШ шартномаларининг барқарорлигини белгилайди [3].

В. Лексин фикрига кўра, ДХШ муносабатлари нафақат иқтисодий самарадорлик, балки ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили сифатида қаралиши зарур. Унинг назариясида ДХШ ижтимоий инфратузилмаларда давлат харажатларини оптималлаштириш ва бюджет рискларини камайтириш воситаси сифатида баҳоланади. Муаллиф давлатнинг иштирок даражаси ва рискларнинг хусусий секторга ўтказилиши ўртасидаги мувозанатни ҳал қилувчи шарт деб ҳисоблайди [4]. А.Шаститконинг фикрига кўра, ДХШнинг самарадорлиги корпоратив бошқарув механизмларига боғлиқ. Олимнинг таъкидлашича, шартномаларда рисклар ва мажбуриятларни аниқ белгилаш орқали хусусий секторнинг узоқ муддатли манфаатлари таъминланади. Шу орқали давлатнинг молиявий юки қисман камаяди, иқтисодий самарадорлик эса ортиб боради [5]. ДХШнинг ҳуқуқий асослари ва шартнома механизмлари барқарор амалга оширилишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Олимнинг тадқиқотларида давлат учун асосий риск – шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги, хусусий шерик учун эса – ҳуқуқий кафолатларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ДХШнинг самарадорлигини таъминлайди [6].

ДХШ минтақавий иқтисодий ривожланишнинг катализатори сифатида намоён бўлади. Олим томонидан асосий эътибор инфратузилмавий лойиҳаларнинг ҳудудий самарадорлигига қаратилади. Муаллифнинг фикрича, рискларни тўғри тақсимлаш орқали ҳудудларда инвестицион муҳит яхшиланади ва ижтимоий хизматлар сифатли бажарилади [7]. А.Мальгин ва И.Ивантерларнинг фикрига кўра, ДХШнинг иқтисодий барқарорликка таъсири рискларни молиявий жиҳатдан тўғри тақсимлаш билан белгиланади. Улар хусусий сектор учун асосий риск – узоқ муддатли ликвидлик ва молиялаштириш хавфи эканини таъкидлайди. Давлат учун эса бюджет таваккалчиликлари энг катта риск ҳисобланади. Шу сабабли, молиявий моделларни тўғри танлаш муҳим деб баҳоланади [8]. С.Авдашев ва Н.Плискевичлар, ДХШнинг транспорт ва инфратузилма соҳасидаги самарадорлиги тўғри риск тақсимоти ва узоқ муддатли эксплуатация босқичида давлат томонидан кафолатланган тўловлар билан белгиланади, деб таъкидлайди. Уларнинг фикрича, хусусий шериклар учун асосий хавф – талабнинг узоқ муддатли ўзгариши, давлат учун эса – инфратузилма активларининг стратегик аҳамияти билан боғлиқ рисклардир [9]. В.Гуриев ва А. Беляевларнинг фикрига кўра, ДХШнинг молиявий моделлари “risk-sharing” тамойили асосида тузилганда самарадорлик ошади. Муаллифлар таъкидлаганидек, давлат учун яширин қарз рисклари, хусусий шерик учун эса капиталнинг узоқ муддатли қиймат хавфи мавжуд. Шунинг учун рискларни тенг тақсимлаш шартнома моделларининг асосий талабидир [10].

Юқоридаги олимларнинг илмий тадқиқотлари асосида биз томондан қуйидагича тариф шакллантирилди. Давлат-хусусий шериклик – бу давлат ва хусусий сектор ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликка асосланган иқтисодий-ҳуқуқий тизим бўлиб, лойиҳа ҳаёт циклининг барча босқичларида (лойиҳа тайёрлаш, молиялаштириш, қурилиш, эксплуатация ва якунлаш) рисклар, ресурслар ва масъулиятларни оптимал тақсимлаш орқали ижтимоий-иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлайди. ДХШнинг барқарор амалга ошиши учун шартнома моделларида давлатнинг яширин бюджет таваккалчиликлари ва хусусий секторнинг узоқ муддатли талаб ҳамда молиявий барқарорлик рисклари тўғри уйғунлаштирилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан, ДХШ нафақат инфратузилмавий ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш воситаси, балки

миллий иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлашнинг стратегик механизми сифатида ҳам намоён бўлади.

Таҳлил ва натижалар

ДХШ муносабатларини ривожлантиришда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири халқаро амалиётда ДХШ муносабатларини ривожланиши кўп йиллик бой тажрибага эга бўлса, ДХШ амалиётга жорий этишнинг бой замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланилиши ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклик хорижий мамлакатларда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу эса давлат хизматларининг самарадорлигини оширишни таъминлашга ёрдам беради. Шу билан бирга, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш айрим мамлакатларда алоҳида хусусиятга эга бўлиб, яъни иқтисодиётни ривожланиш даражаси, бизнес муҳити, сиёсий ҳолат, ҳуқуқий тизимга боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунингдек ДХШ жамоат инфратузилмасини ривожлантиришда алоҳида модел сифатида потенсиал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Буюк Британия, Франция, Канада каби ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини таҳлили, давлат-хусусий шерикликни самарали амалга оширилишида иқтисодиётга давлатнинг аралашуви, мулкчилик муносабатларини ривожланганлиги ва халқаро капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилиш имкониятларининг қай даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, халқаро амалиёт тажрибалари давлатнинг ДХШ стратегиясини такомиллаштириш ва жамоат инфратузилмасига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга ёрдам беради.

ДХШ бўйича халқаро амалиёт тажрибалари ҳақида гап кетканда Буюк Британия тажрибасини алоҳида эътироф этиш лозим. Буюк Британия давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантириш даражаси бўйича етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ушбу давлатда 1990 йиллардан бошлаб илк бор давлат-хусусий шериклик усули кенг тарзда интерпретация қилинган бўлиб, жамият манфаатларига хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги узоқ муддатли самарали ҳамкорликни назарда тутади.

Ушбу дастур “Хусусий секторни молиялаштириш ташаббуси” (“Private Finance Initiative” - PFI”) деб номланиб, жамоат инфратузилмаси лойиҳаларини молиялаштириш усули сифатида таклиф этилган. Мазкур лойиҳага мувофиқ хусусий сектор ўз зиммасига объектларни узоқ муддатли давр мобайнида фойдаланиш, эксплуатация қилиш, қурилиш, лойиҳалаш ва техник хизмат кўрсатиш жараёнларини ўз зиммасига олиши белгиланган. Шартномада белгиланган даврда эса давлат шериги сифатида кўрсатилаётган хизматларнинг сифатлилиги ва шаффофлигини тартибга солиш ва назорат қилиш вазифасини бажаради. PFI дастури дастлаб ишлаб чиқилган вақтдан бошлаб Буюк Британияда ижтимоий инфратузилма объектларини ишга тушириш ва фойдаланишлар сони ортиб борган. PFI дастури қуйидаги ҳусусиятларга эга:

- давлат ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришда хусусий секторни жалб қилиш. PFI нинг етакчи ғояси, давлат маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни хусусий сектор маблағларини жалб қилган ҳолда молиялаштиришни амалга ошириш ҳисобига бюджет “юки”ни камайтириш ҳисобланади.

- узоқ муддатли шартномалар. PFI давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялар ўртасидаги узоқ муддатли шартномаларни (одатда 25-30 йил муддатга тузилган) ўз ичига олади. Ушбу шартномаларда объектларни қуриш, молиялаштириш шартлари, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация шартларини ўз ичига олади.

- рискларни баҳолаш: PFI дастурининг муҳим ҳусусиятларидан бири маълум бир рискларни давлатдан хусусий секторга ўтказиш ҳисобланади. Бу каби рискларга қурилиш, лойиҳалаш, молиялаштириш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ рискларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

- эришилган натижа учун тўлов: Давлат томонидан ҳусусий шерикка тўловлар кўрсатилган хизматларнинг сифати ва олинган натижаларига асосланиб амалга оширилади. Бу жараёндан тўловлар олдиндан келишилган шартнома шартларга ва стандартларга мувофиқ объектларни тўлиқ қуриб битказилгандан кейин амалга оширилади;

- самарадорлик ва инновация. Одатда хусусий секторни маълум бир лойиҳаларга жалб қилиниши соҳага замонавий корпоратив бошқарув тизимини олиб кириш билан бирга ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга инновацияларни ҳам тадбиқ этади. Одатда хусусий сектор компаниялари инновацияларга бўлган интилувчанлиги, мослашувчанлиги билан давлат компанияларидан фарқланади.

Буюк Британиядаги ДХШ лойиҳалари давлат хизматларини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича ҳукуматнинг истиқболли стратегиясининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу лойиҳалар давлат буджети юкини камайтиради, хусусий капитал ва экспертизаларни жалб қилиш орқали инновацияларни жорий этиш ва самарадорликни ошириш имконини беради. Юқорида қайд этилган муваффақиятларга қарамай, Буюк Британиядаги ДХШ модели қатор экспертлар ва мутаҳассислари томонидан танқид қилинмоқда. Танқид қилинаётган муаммолар муддатда давлат бюджети учун яратилган қўшимча қиймат масаласи, лойиҳаларни бошқариш бўйича жавобгарлик, ҳисобдорлик ва шаффофлик билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги кабилар ҳисобланади. Буюк Британия тажрибасининг муҳим жиҳати шундаки ушбу давлат Маргарет Тетчер ҳукуматга келиши билан дунёда ДХШ модели ривожланишининг локомотивига айланди ва кейинчалик ушбу модел кўплаб мамлакатларга, жумладан МДҲ мамлакатларига кенг тарқалди.

ДХШ муносабатлари бўйича жаҳонда Франция етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Франция республикаси ДХШ бўйича бой тажрибаларни дунё амалиётида кенг тарқалишида алоҳида ўринга эга. Францияда XIX -асрда темир йўл тармоғини ривожлантиришдан тортиб, йўллар, кўприклар, аэропортлар, лицейлар, шифохоналар қуриш ва улардан фойдаланиш каби замонавий лойиҳаларгача бўлган ДХШ лойиҳалари бўйича кўп йиллик тарихга эга. Францияда ДХШнинг муҳим хусусиятларидан бири аҳоли учун кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва оммабоплигини таъминлаш, табиий ресурслар ва муҳим ижтимоий функсияларни хусусий секторга беришнинг (концессияларнинг) салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган давлат томонидан қаттий тартибга солиш ва назорат қилишдир. Францияда ДХШ бўйича қонунчилик ҳужжатлари Европа директивалари ва миллий қадриятлар, манфаатларга мувофиқ ривожланмоқда.

Франция давлат-хусусий шерикликнинг бой анъаналарига эга бўлиб, жумладан, “Аралаш иқтисодиёт жамиятлари (Société d’Économie Mixte - SEM) ва концессия шартномалари орқали амалга оширилади.

Société d'Économie Mixte (SEM) - бу компаниялар давлат ва хусусий капиталнинг ҳамкорлигига асосланган бўлиб, тижорат ва ижтимоий мақсадларга

эришишга хизмат қилади. SEMлар маҳаллий ҳокимиятлар ёки бошқа давлат органлари томонидан ташкил этилиб, қуйидаги муҳим йўналишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширади: транспорт тармоқлари, турар-жой ҳудудлари, боғлар, туризм объектлари ва бошқа инфратузилма лойиҳалари. Францияда SEM компанияларининг ДХШ борасидаги фаолияти қуйидаги хусусиятларга эга:

- Аралаш молиялаштириш. SEMлар давлат ва хусусий инвестицияларни бирлаштиради. Давлат ташкилотлари аксарият ҳолатларда хусусий корхоналар учун етарлича фойда келтирмайдиган (бозордаги муқобил лойиҳалар билан солиштирганда) давлат ва жамият манфаатларига таалуқли лойиҳаларга сармоя киритадилар.

- Ҳуқуқий мақом. SEMлар устун даражада акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади ва уларга нисбатан махсус қонунчилик меъёрлари, яъни ташкилий тузилиши, функсиялари ва мажбуриятлари юзасидан алоҳида шартлар талаб этилади.

- Кенг қамровли фаолият. SEM лар кўчмас мулкни бошқариш, маданий ва спорт тадбирларини ташкил қилиш каби соҳаларда фаолият юритиши мумкин.

- Давлат назорати ва иштироки: Давлат (маҳаллий даражада, шунингдек, муниципалитетлар) одатда SEM ларнинг назорат пакети ёки салмоқли улушини (акцияларини) ўзида сақлаб қолади, бу эса давлат ташкилотларига уларнинг стратегияси ва фаолиятига таъсир ўтказиш ҳуқуқини беради.

- Ижтимоий манфаатларга йўналтирилганлик: SEM лар фақат фойда олишга эмас, балки ҳудуднинг инфратузилмаси, аҳолининг яшаш сифатини ошириш ва иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшишга қаратилган.

Халқаро амалиёт тажрибаларини ўрганиш асосида биз томондан миллий амалиётда ДХШ муносабатларини ривожлантириш бўйича қуйидаги муҳим йўналишлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари[1]

№	Таклиф мазмуни	Натижа	Халқаро тажриба мисоли
1	Давлат бюджети доирасида капитал қўйилмаларни самарали йўналтириш ва ДХШ асосида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш	Давлат харажатларини 20-25%га тежаш, хусусий сектор улушини ошириш ва инфратузилмавий лойиҳалар самарадорлигини таъминлаш	Туркияда «Healthcare PPP Program» орқали 30дан ортиқ йирик тиббиёт марказлари хусусий шериклик асосида қурилди ва давлат харажатлари сезиларли қисқартирилди.
2	Умумий қиймати 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган ДХШ лойиҳалари учун консалтинг хизматларидан фойдаланиш ва махсус Жамғарма ташкил этиш	Хорижий инвестициялар ҳажми оширилиши, лойиҳаларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ва	Қозоғистонда “PPP Advisory Fund” ташкил этилган бўлиб, у йирик инфратузилма ва энергетика лойиҳаларида халқаро консультантларни жалб

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

		самарадорликка эришиш	қилиш орқали инвестицияларни кенгайтирди.
3	Умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларигача бўлган ДХШ битимларини хусусий шерик қўшимча сармоя киритган ҳолда давлат шериги мустақил равишда узайтириш имкониятини амалиётга тадбиқ этиш	ДХШ доирасидаги инвестицияларни жалб этиш, инвесторлар учун қулай муҳит яратиши мумкин	Ҳиндистонда кичик ва ўрта ҳажмдаги ДХШ лойиҳаларининг муддатини инвестор қўшимча сармоя киритган ҳолда узайтириш амалиёти кенг қўлланилиб, энергетика ва транспорт соҳаларида ижобий натижалар берилган.

Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик тизимини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жумладан, давлат бюджети доирасида капитал қўйилмаларни самарали йўналтириш ва инфратузилмавий лойиҳаларни ДХШ асосида амалга ошириш натижасида давлат харажатларини камида 20-25%га тежаш ҳамда хусусий сектор улушини ошириш имконияти яратилиши лозим. Бунда халқаро тажрибада Туркиядаги «Healthcare PPP Program» намуна сифатида қайд этилади, у орқали 30дан ортиқ йирик тиббиёт марказлари хусусий шериклик асосида барпо этилган ва давлат харажатлари самарали оптималлаштирилган. Шу билан бирга, умумий қиймати 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун консалтинг хизматларидан фойдаланиш ҳамда махсус Жамғарма ташкил этиш зарур. Бу йўналишда хорижий тажрибалар асосида инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳалар тайёргарлиги сифатини ошириш мумкин. Масалан, Қозоғистонда фаолият кўрсатувчи “PPP Advisory Fund” халқаро экспертларни жалб этган ҳолда инфратузилма ва энергетика соҳаларида салмоқли инвестицияларни кенгайтиришга эришган.

Шунингдек, умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларигача бўлган ДХШ битимларининг амал қилиш муддатини хусусий шерик қўшимча сармоя киритган тақдирда давлат шериги мустақил равишда узайтириши амалиётга жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўлами кенгаяди ва инвесторлар учун қулай муҳит яратилади. Ҳиндистон тажрибаси бу борада аҳамиятли бўлиб, кичик ва ўрта ҳажмдаги лойиҳаларда шартномалар муддатини узайтириш орқали энергетика ва транспорт инфратузилмаси ривожига салмоқли ҳисса қўшилган.

Демак, халқаро амалиётдан кўриниб турибдики, ДХШ механизмларини такомиллаштириш нафақат давлат харажатларини оптималлаштиришга, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ҳам хизмат қилади. Шу боис, Ўзбекистонда ҳам мазкур таклифларни амалиётга изчил жорий этиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

ДХШ лойиҳаларини бошқаришга доир хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида биз томондан қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди.

Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш – ДХШ асосида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали давлат харажатларини 20-25%га тежаш имконияти мавжуд. Шунинг учун давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда ДХШ лойиҳаларини устувор йўналиш сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ лойиҳаларда консалтинг хизматларидан фойдаланиш – йирик лойиҳаларни тайёрлашда халқаро консультантларни жалб этиш, лойиҳаларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш – Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб, махсус молиявий жамғарма ташкил қилиш орқали инвестицияларни кенгайтириш ва халқаро экспертларни жалб этиш зарур. Кичик ва ўрта лойиҳаларда шартномалар муддатини узайтириш механизмини жорий қилиш – умумий қиймати 1 млн. долларгача бўлган лойиҳаларда инвестор қўшимча сармоя киритганда давлат шериги мустақил равишда шартнома муддатини узайтириши имконини яратиш зарур.

Халқаро тажрибаларни миллий амалиётга татбиқ этиш – Туркия, Қозоғистон ва Ҳиндистондаги ДХШ тажрибалари Ўзбекистон шароитига мослаштирилиши орқали соғлиқни сақлаш, энергетика ва транспорт соҳаларида самарадорлик оширилиши мумкин. Рискларни самарали тақсимлаш – ДХШ шартномаларида давлат ва хусусий шериклар ўртасидаги таваккалчиликларни аниқ ва адолатли тақсимлаш лойиҳаларнинг барқарор амалга ошишини таъминлайди.

Инновация ва замонавий технологияларни жалб этиш – хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали инфратузилма ва ижтимоий соҳаларда замонавий технологиялар ҳамда корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш имкони яратилади. Ҳуқуқий ва институционал механизмларни кучайтириш – ДХШ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, шартнома тузиш жараёнларида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш талаб этилади. Инвесторлар учун қулай муҳит яратиш – лойиҳаларда молиявий кафолатлар, солиқ имтиёзлари ва ҳуқуқий ҳимоя чораларини таъминлаш орқали хорижий ва маҳаллий сармоядорлар фаол иштирокини таъминлаш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги ЎРҚ-537-сон қонуни.
2. Yescombe, E. R. Public-Private Partnerships: Principles of Policy and Finance (2nd ed.). Elsevier, 2011.
3. Engel, E., Fischer, R., & Galetovic, A. The Economics of Public-Private Partnerships: A Basic Guide. Cambridge University Press. 2014.
4. Лексин В.Н. Государственно-частное партнерство: социально-экономические основы и практика применения. Москва: Экономика. 2012.
5. Шаститко А.Е. Корпоративное управление и государственно-частное партнерство. Журнал институциональных исследований, 2013, №3.
6. Яковлева Е.А. Правовые основы государственно-частного партнерства в России. Государство и право, 2014, №5.
7. Вардомский Л.Б. Государственно-частное партнерство как фактор регионального развития. Пространственная экономика, 2015, №2.

8. Мальгин А.Д. и Ивантер И.Р. Государственно-частное партнерство и инвестиционный климат: проблемы и перспективы. Вопросы экономики, 2016, №7.
9. Авдашев С.Б. и Плискевич Н. Эффективность ГЧП в транспортной инфраструктуре: анализ и оценка. Журнал новой экономической ассоциации, 2018, №3.
10. Гуриев В. и Беляев, А. Финансовые модели ГЧП и распределение рисков. Финансы и бизнес, 2020, №4.